2023-yil
15-noyabr
chorshanba
№ 143-144
(4896)

# Ishonch

Oʻzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

# Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!



## Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Қадрли ҳамкасблар!

Аввало, сиз азизларни ва сиз орқали қарийб олти миллион нафарга яқин Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлган касаба уюшмалари аъзоларини 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг чексиз эҳтиромим ва самимий тилакларимни билдираман.

**Мана, уч йилдирки, бу сана нафақат касаба уюшмалари аъзолари ва фаоллари, балки меҳнаткаш халқимиз, турли касб эгалари бўлган ватандошларимиз учун ҳам қадрли санага айланди.**

Бунга эса Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Ўзбекистон касаба уюшмаларининг VIII Қурултойи иштирокчиларига йўллаган табригида мазкур санани Ўзбекистон касаба уюшмалари куни сифатида белгилаш тўғрисидаги таклифлари асос бўлди.

Юртбошимизнинг мазкур табригида касаба уюшмаларига юксак баҳо берилиб, **«ўз сафларида миллионлаб одамларни бирлаштирган касаба уюшмалари тарихида янги давр»** бошланаётгани эътироф этилган эди.

**Таъкидлаш лозимки, бу юксак ишонч бизга катта рағбат ва илҳом бахш этди.**

***Азиз дўстлар!***

**Ҳар йили шу санада биз ўтган бир йиллик фаолиятимизни сарҳисоб қиламиз.** Ўз олдимизга қўйган мақсадларимизни нечоғли уддалаганимизни таҳлил қиламиз, келгуси устувор вазифаларни белгилаб оламиз.

Бугун касаба уюшмалари том маънода халқ ташкилотига, Янги Ўзбекистон етакчиси раҳбарлигида шу заҳматкаш халқнинг оғирини енгил қилиш, уни ҳар жиҳатдан ижтимоий қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга оширишда жамиятдаги фаол кучга айланди.

Хусусан, поёнига етаётган 2023 йилдаги фаолиятимизга разм солар эканмиз, бир нарсани фахр билан айта оламизки, биз йилдан-йилга тобора жипслашмоқдамиз.

Президентимиз илгари сураётган халқчил сиёсатни рўёбга чиқаришда елкадош бўлмоқдамиз. Эришилаётган залворли ютуқлар эса халқ манфаатларига хизмат қилмоқда.

Эътиборли жиҳати, Ўзбекистон касаба уюшмалари бугун, айниқса, меҳнат соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришда фаол иштирокчига айланди.

Янги таҳрирдаги «Меҳнат кодекси»нинг 87 та моддасида меҳнат муносабатлари бевосита касаба уюшмалари иштирокида тартибга солиниши, 131 та моддасида ходимлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар иш берувчи ва касаба уюшмалари томонидан тасдиқланадиган жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларида кўрсатилиши бу фикрнинг ёрқин исботидир.

>>> 2

**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТОМОНИДАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР РЎЙХАТИ**

>>>6

**ХОТИН-ҚИЗЛАР МУАММОЛАРИНИ ТИЗИМЛИ РАВИШДА ҲАЛ ЭТИШ, УЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН ТАЪСИС ЭТИЛГАН ТАНЛОВЛАРНИНГ ҲУДУДЛАР КЕСИМИДАГИ ҒОЛИБЛАРИ**

>>>7

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР!

***11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси номига хорижий давлатлар касаба уюшмалари ҳамда халқаро касаба уюшма ташкилотлари раҳбарларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.***

**Ҳурматли дўстлар ва ҳамкасблар!**

Сизни чин юракдан Ўзбекистон касаба уюшмалари куни билан табриклайман!

Касаба уюшма ташкилотларида меҳнат қилаётган фидойиларга касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида амалга ошираётган ишлари учун ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Сизнинг фаол ҳаётий тажрибангиз ва ташаббускорлигингиз бардавом бўлсин.

**Анатолий НАЗЕЙКИН,**
**Касаба уюшмалари умумконфедерацияси**
**Бош котиби вазифасини бажарувчи**

* * *

**Ҳурматли Қудратилла Мирсоатович!**

Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан Қозоғистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда шахсан ўз номимдан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек масъулиятли ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Адолатли ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, шунингдек, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш борасида фаол иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон меҳнаткашларига чин қалбимдан фаровонлик, тинчлик, бахт ва саодат тилайман!

Биз янада самарали ҳамкорликдан умидвормиз, ва ишонамизки, яхши қўшничилик, дўстлик ҳамда ўзаро бирдамлик тамойилларига асосланган қардошлик муносабатлари бундан буён ҳам жадал ривожланиб боради.

Сизни ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг барча аъзоларини Касаба уюшмалари куни билан яна бир бор табриклайман!

**Ҳурмат билан,**

**Сатибалди ДАУЛЕТАЛИН,**
**Қозоғистон Республикаси касаба**
**уюшмалари Федерацияси раиси**

* * *

**Ҳурматли биродарим Қудратилла Мирсоатович!**

Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгаши номидан Сизни ва Сиз орқали Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг кўпмиллионли аъзоларини Касаба уюшмалари куни билан самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Сизга ва барча касаба уюшма ходимларига, аввало, мустаҳкам соғлиқ, жамиятда ижтимоий мулоқотни ривожлантириш борасидаги ишларига муваффақиятлар, қардош ўзбек халқига равнақ ва фаровонлик тилайман!

Сўнгги йилларда мамлакатларимиз касаба уюшмалари ташкилотлари ўртасида дўстона шериклик муносабатлари ривожланиб бораётганини, ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ва Марказий Осиё давлатлари касаба уюшмалари Кенгаши доирасидаги алоқаларимиз ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Улар келажакда халқларимиз ва мамлакатларимиз касаба уюшмалари манфаати учун ҳам худди шундай жадал ривожланади, деб умид қиламиз.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси минтақадаги энг нуфузли касаба уюшма ташкилотларидан бири бўлиб, халқаро касаба уюшмалари ҳаракатида муносиб ўрин эгаллайди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда касаба уюшмалари ҳам сон, ҳам ижтимоий ривожланиш жиҳатидан салмоқли даражада ўсди. Бугунги кунда ижтимоий аҳамиятга эга давлат лойиҳа ва дастурларини амалга оширишда касаба уюшмалари фаол иштирок этиб келмоқда. Ходимларни ҳуқуқий ҳимоялаш, меҳнат хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш, ишчилар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, болаларнинг ёзги таътилини ташкил этиш, бошқа кўплаб ишлар қатори фуқаролар ва болаларнинг турли тоифалари учун дам олиш масканларини кўпайтириш ишлари Ўзбекистон касаба уюшмалари томонидан амалга оширилмоқда. Шу боис Сизнинг ташкилотингиз жамият ва давлат миқёсида муносиб обрў-эътибор қозонди.

Умид қиламизки, Ўзбекистон касаба уюшмалари келгусида ҳам бунёдкорлик, инновацион ривожланиш, жамиятда трипартизм тамойилини мустаҳкамлаш ва меҳнаткашлар фаровонлигини таъминлаш йўлидаги ишларга камарбаста бўлади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари аъзоларини яна бир бор чин қалбимдан байрам билан табриклаб, бахт ва фаровонлик тилайман.

Байрамингиз муборак бўлсин!

**Ҳурмат билан,**

**Маликшо НЕЪМАТЗОДА,**
**Тожикистон мустақил касаба**
**уюшмалари Федерацияси раиси**

* * *

**Ҳурматли Қудратилла Мирсоатович!**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг барча ходимларига Касаба уюшмалари умумконфедерацияси Ижроия қўмитаси йиғилишини аъло даражада ташкил этгани, олиб борилган улкан ва ажойиб тайёргарлик ишлари ҳамда кўрсатилган очиқкўнгиллик, эътибор ва меҳмондўстлик учун чуқур ва самимий миннатдорлик билдираман.

Меҳмондўст ўзбек замини муҳим касаба уюшма тадбирлари, ҳамкасблар ва дўстларнинг ёрқин ва унутилмас учрашувлари ўтказиладиган майдонга айланган.

Бундан салкам 5 йил аввал, 2018 йилнинг 24 декабрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Касаба уюшмалари умумконфедерацияси аъзолигига қабул қилинди.

Ўзбекистонда касаба уюшмаларининг нуфузи, жамиятдаги ўрни ва аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг узоқ муддатли стратегиясини амалга оширишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунини тайёрлаш ва қабул қилишда бевосита иштирок этиб, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар лойиҳалари юзасидан тегишли таклифлар билдирди. Федерациянинг фаол кўмагида сўнгги етти йил ичида Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг 7 та асосий конвенцияси ратификация қилинди.

Меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси олдида турган иккинчи даражали масаланинг ўзи йўқ. Касаба уюшмалари аъзоларининг, мамлакат меҳнаткашларининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор барча масалалар касаба уюшма ташкилотларининг доимий диққат марказидадир. Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги «Ишонч телефонлари» эса меҳнаткашларнинг мурожаатларини самарали ва тезкор кўриб чиқиш имконини бермоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси халқаро касаба уюшмалари ҳаракатида ҳам ўзига хос нуфузга эга. Шунингдек, Федерация минтақа касаба уюшма ташкилотлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Зеро Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси ва унинг фаол позицияси натижасида Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши ташкил этилди ва фаол иш олиб бормоқда.

Бугун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси республикадаги миллионлаб меҳнаткашларнинг ишончи ва қўллаб-қувватлашига, ижтимоий шериклар ҳурматига сазовор бўлган нуфузли ва таъсирчан умуммиллий ташкилотдир. Ўзбекистонда касаба уюшмалари фаолиятининг нақадар муҳим эканилигини Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 11 ноябрнинг Касаба уюшмалари куни этиб белгилангани ҳам кўрсатиб турибди.

Сизни, муҳтарам Қудратилла Мирсоатович, Касаба уюшмалари куни байрами билан чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз. Сизга ва барча касаба уюшма аъзоларига келгусидаги ишларида муваффақиятлар, тинчлик ва фаровонлик тилайман.

**Чуқур ҳурмат билан,**

**Наталья ЧЕРНИШЕВА,**
**Савдо, умумий овқатланиш,**
**истеъмол кооперацияси ва**
**тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшмалари халқаро**
**конфедерацияси раиси**

www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi
https://t.me/ishonchgz

# Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги нутқи

<<< 1

Бундан ташқари, ходимларга қўшимча имтиёз ва кафолатлар бериш бўйича касаба уюшмалари томонидан тақдим этилган 300 дан ортиқ таклиф янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида ўз аксини топди.

Шуни алоҳида таъкилаш жоизки, 2019 йил декабрида қабул қилинган янги «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун асосида 2020 йилдан Меҳнат инспекцияларининг тиклангани амалий ишларимизни янада юқори даражага олиб чиқди.

Инспекция томонидан ўтган уч йил давомида 68 мингдан зиёд ходимнинг ҳуқуқи тикланиб, уларга 139 млрд. сўм маблағ ундирилишига эришилди. Бу рақамлар ортида қанчадан-қанча инсонларнинг меҳнати қадр топгани, оиласининг фаровонлиги таъминлангани, энг муҳими, ҳаётида адолатнинг тиклангани турибди.

Сўнгги йилларда юртимизда Президентимизнинг сиёсий иродаси ва жасорати туфайли болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга бутунлай барҳам берилгани бутун дунё ҳамжамияти томонидан тан олинди.

Ўзбекистон пахтасига қўйилган бойкот бекор қилиниши, шубҳасиз, она юртимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини оширишга хизмат қилмоқда. Бу борада касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерацияси ўртасида имзоланган Бош жамоа келишуви ижтимоий шериклик кўлами ва таъсирчанлигини, унинг самарадорлигини янада оширишга туртки бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Бугунга келиб, амалдаги тармоқ келишувлари сони 102 тага, жамоа шартномалари тузган юридик шахслар улуши 99,9 фоизга етди. Жамоа шартномалари орқали ҳар йили ўрта ҳисобда 65 мингдан кўп оила ва 280 минг нафардан зиёд аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами вакиллари қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

2022 йилда жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун республика бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга йил давомида сарфланган маблағ 7 млн. 615 минг сўмни ташкил этди. Бу эса 2017 йилдагига нисбатан беш баробар кўп деганидир.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу йўналишдаги ишларни ташкил қилишда фидойилик ва шахсий намуна кўрсатаётган 34,5 мингдан зиёд бошланғич ташкилотлар раисларига ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Биргина жорий йилнинг ўзида ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш мақсадида касаба уюшмалари томонидан 1 минг 235 та корхона ва ташкилот фаолияти ўрганилиб, аниқланган 4,5 мингга яқин камчилик бартараф этилишига эришилди.

Шу ўринда ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳақ-ҳуқуқларини қатъият билан ҳимоя қилиш борасида жонбозлик кўрсатган барча тармоқ касаба уюшмалари Республика ва Федерациянинг ҳудудий кенгашлари раҳбарлари ва мутасаддиларига бугунги байрам кунида алоҳида раҳматлар айтамиз.

Федерация тизимида мутахассис кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда.

Малака ошириш институтида жаҳон андазалари асосида ташкил этилган ўқув курсларида жорий йилда 1030 нафар касаба уюшма ходими ва фаоли малака оширишди.

Институтда жорий этилган масофавий таълим тизими орқали 1000 нафардан ортиқ касаба уюшма фаолининг асосий ишдан ажралмаган ҳолда малака ошириши таъминланди.

Институтнинг халқаро касаба уюшмалари марказлари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатаётгани таҳсинга лойиқдир.

Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилотининг Туриндаги ўқув муассасаси билан ҳамкорликда Халқаро меҳнат ташкилотининг Марказий Осиёдаги касаба уюшмалари марказлари ходимлари учун бир қатор ўқув курслари ва семинарларини ўтказишни режалаштираётгани бу борадаги навбатдаги жиддий қадам бўлиши, шубҳасиз.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, муҳтарам Президентимиз қарори билан ташкил этилган Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси қисқа муддатда нафақат касаба уюшмалари, балки Ўзбекистон иқтисодиётининг турли жабҳалари учун етук кадрлар тайёрлашда илғор таълим даргоҳлари қаторидан ўрин олмоқда.

Буни академияга қабул сони ўтган ўқув йилига нисбатан икки баробарга ошгани ҳам яққол исботлайди.

Бугун қувончли санада ҳар икки таълим даргоҳининг фидойи ўқитувчи-профессорлари, барча ходимларига эришилаётган муваффақиятлар учун миннатдорчилик билдириб, келгусидаги юрт равнақи йўлидаги эзгу ишларида куч-қувват ва омадлар тилаб қоламиз.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш йўналишидаги ишларимиз ҳам сифат ва миқдор жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Президентимизнинг 2022 йил 18 ноябрдаги қарори асосида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида Болаларни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғармаси ҳамда Болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти иш бошлади.

Турли вазирлик ва идоралар тасарруфида бўлиб келган 80 та ва Федерация тизимидаги 27 та – жами 107 та оромгоҳ департамент балансига ўтказилди.

Балансга олинган 76 та оромгоҳ жорий таъмирдан чиқарилиб, 45 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ҳисобига 75 турдаги 413 минг 252 дона жиҳоз, инвентар ва маиший техника билан таъминланди ва жорий йил ёз мавсумида тўла қувват билан фаолият олиб борди.

Яна бир муҳим жиҳат – болаларнинг таомномалари халқаро стандартлар даражасига олиб чиқилди, бу борада аутсорсинг хизмати жорий этилди. Бу эса, тизимда муайян тартиб ўрнатиш имконини берди.

Республика бўйича 332 мингга яқин боланинг мазкур оромгоҳларда дам олиши ташкил этилди, бу департамент фаолиятини ташкил этиш борасидаги катта меҳнатнинг маҳсулидир.

Шу ўринда болаларни дам олдириш мавсумини юқори савияда уюштиришга бошқош бўлган барча ходимларга – департамент мутасаддилари, болалар оромгоҳларининг ходимлари, қурувчиларимиз, жалб этилган педагоглар, тиббиёт ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш, шунингдек, бу мавсумда иштирок этган барча соҳалар мутасаддиларига ҳам сизларнинг номингиздан ташаккурлар айтамиз.

Юртбошимизнинг топшириқлари асосида касаба уюшмалари томонидан жорий йилда Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туман да янги ва замонавий «Сангардак» санаторийси барпо этилиб, фойдаланишга топширилгани халқимиз учун ажойиб совға бўлди.

Эътиборли жиҳати, бу юртимизда фаолият олиб бораётган санаторийларнинг 31-си бўлди. Бу рақам бундан етти йил аввал борйўғи 17 тани ташкил қилар эди, холос.

2017 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги санаторий ва дам олиш уйларида жами 5 минг 257 та ўрин мавжуд бўлган бўлса, бугунга келиб, бу рақам 7 мингтага етказилди.

Натижада санаторийларда соғломлаштирилганлар сони йилига 130 минг нафардан 200 минг нафарга етказилиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимида янгидан бунёд этилаётган санаторийларнинг сифат кўрсаткичлари нафақат маҳаллий, балки халқаро экспертлар томонидан ҳам юксак баҳоланмоқда.

Жумладан, хорижий мутахассислар ўрганишлари натижасига кўра, «Чинобод-Плаза» санаторийси 5 юлдузли мақомга муносиб топилди, «Севарсой», «Ибн Сино», «Янгиер» ва «Сангардак» санаторийлари ҳам бу борада юксак талаблар даражасида эканлиги эътироф этилмоқда.

Бу кўрсаткич, бир жиҳатдан Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи ошаётганидан далолат берса, иккинчидан, давлатимиз раҳбарининг ўз халқига муносиб дам олиш, саломатлигини тиклаш йўлидаги беқиёс ғамхўрлигининг ёрқин исботи ҳамдир.

Бундай эътирофларга маҳоратли қурувчи, лойиҳачи, бир сўз билан айтганда, соҳанинг етук кадрлари салоҳияти ва уларнинг ўз касбига ва ўз юртига садоқати ва муҳаббати туфайлигина эришиш мумкин.

Бу аслида бизнинг муносиб тарихимиздир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг капитал-қурилиш бошқармаси, лойиҳалаш ташкилотларимизнинг забардаст вакилларига ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, санаторийларимизда хизмат кўрсатиш даражаси ҳам халқаро эътирофларга муносиб топилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нуфузли ташкилот – Жаҳон иқлим ва сув билан даволаш Федерациясига аъзоликка қабул қилингани яна бир ютуғимиздир.

Мен тасарруфдаги санаторийлар ишини тизимли равишда юксалтириш, даволаш, соғломлаштириш ишларини юқори савияда ташкил қилишда жонбозлик қилаётган Санатор-курортлар бошқармаси, фидойи шифокорларимиз ва барча тиббий ходимларимизга ҳам сизларнинг ва ўзим номимдан катта-дан-катта раҳматлар айтаман.



Шу ўринда Федерация тасарруфидаги Даволаш-профилактика маркази фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Мазкур жамоа касаба уюшмалари фаоллари, мутасаддилари, фахрийлари ва кўплаб фуқароларга малакали тиббий хизмат кўрсатиб, соҳанинг энг намунали даволаш марказларидан бирига айланди.

Ушбу кунда мазкур марказда фаолият олиб бораётган қўли енгил шифокору ҳамширалар, барча ходимларга катта раҳматлар айтамиз!

***Ҳурматли дўстлар!***

Ўтган даврда мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар билан биргаликда «Аёллар дафтари»га киритилган 2,5 миллионга яқин опа-сингилларимизнинг муаммолари ҳамда Федерация қошида ташкил этилган «1211 – Ишонч телефони»га хотин-қизлар томонидан келиб тушган 160 мингга яқин мурожаатда кўтарилган муаммолар бартараф этилди.

Қутлуғ сана муносабати билан аҳолининг эҳтиёжманд қатлами вакилларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ишларида фаол иштирок этаётган тармоқ касаба уюшмалари марказий кенгашларининг бу эзгу ишга сафарбар этилган раислари, раис ўринбосарлари, мутасадди ходимларига, шунингдек, ҳудудлардаги сектор раҳбарлари, хотин-қизлар фаолларига ҳам чуқур миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсизлар.

Жорий йилда мамлакатимизнинг чекка ҳудудларидаги юзлаб аёлларнинг ҳаётга муносабатини ўзгартира олдик, деб ғурур билан айта оламиз. Бу борада қорақалпоғистонлик хотин-қизлар фаолларининг ўрни, ҳиссаси алоҳида бўлди.

Ўтаётган йилда улардан бир гуруҳини бу шарафли меҳнатлари эътирофи сифатида пойтахтга сафари уюштирилди.

Ўйлайманки, биз бундай аёлларимизни қанча улуғласак, уларни кўкларга кўтарсак, арзийди.

***Ҳурматли дўстлар!***

Федерация тасарруфидаги Ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 24 нафар малакали ва тажрибали устоз 435 нафар ёш спортчини тарбиялаб, улар турли спорт турлари бўйича юксак марраларни забт этишига эришиб келмоқда.

Кейинги йилларда ушбу масканда тарбияланган кўплаб ўғил-қизларнинг номи бугун спорт оламига яхши таниш.

Яқинда Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида эшкак эшиш йўналишида жами 14 та медаль қўлга киритилган бўлса, уларнинг учдан бир қисми Касаба уюшмалари спортчилари ҳиссасига тўғри келгани барчамизни беҳад қувонтиради, албатта.

Ундан салгина кейин ўтган IV параосиё ўйинларида эса пара каноэ бўйича ўтаётган мусобақаларда ҳам иштирок этган 6 нафар спортчимизнинг барчаси – Азизбек Абдулҳабибов, Ирода Рустамова, Шаҳзода Мамадалиева, Ҳайитмурот Шерқўзиев, Шаҳноза Мирзаева, Ҳасан Қўлдошевлар ўз йўналишларида рақиблари устидан ғолиб келиб, олтин медаллар шодасини қўлга киритди.

Бу кўрсаткичлар қалбларимизда фахру ифтихор уйғотиши табиий, албатта.

Спортчиларимизни юксак марралар сари руҳлантираётган, уларда сабр-матонат ва иродани мустаҳкамлаш, чиниқишларини таъмин қилаётган устоз ва мураббийларга, юртимиз шарафини мардона ҳимоя қилиб келаётган барча спортчиларимизга мингдан минг раҳматлар айтамиз.

***Азиз ҳамкасблар!***

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон касаба уюшмалари кунининг 1 йиллиги муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табригидаги «Ҳар қайси корхона ёки ташкилотда, албатта, касаба уюшмаси фаолият кўрсатиши ва раҳбарлар улар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши шарт», деган чақириқларига жавобан 2023 йилнинг 9 ойи давомида қарийб 12 минг 500 га яқин корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 220 мингга яқин ходим касаба уюшма аъзолигига жалб этилди.

«Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти Ўзбекистон иқтисодиётида алоҳида ўрин тутади. Ушбу гигант корхона, унинг ижтимоий объектлари «Навоийуран» давлат корхонаси, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетидаги 45 та бошланғич ташкилотда 71 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган Навоий кон-металлургия комбинати касаба уюшмаси кенгаши билан ҳамкорлигимиз тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлаш лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган кенгаш раиси Исроил Қурбонович Раҳматовга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси номидан алоҳида миннатдорчилик билдираман.

Шу ўринда кейинги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг хорижий ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланаётгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз.

Хусусан, 2021 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари кенгаши тузилган бўлса, жорий йилда Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилоти ташкил этилди.

Ушбу янги тузилмалар, шак-шубҳасиз, фаолиятимизни янада такомиллаштириш, ўзаро тажриба алмашиш, қонунчиликдаги янгиланишларни таклиф қилишда халқаро амалиётни эътиборга олишда қўл келади.

***Ҳурматли ҳамкасблар!***

Бугун ахборот асрида яшамоқдамиз. Амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш ҳам даврнинг талаби.

Бу борада Федерациямиз нашри бўлган «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари жамиятнинг фаол оммавий ахборот воситаларидан бирига айланди. Газета саҳифаларида эълон қилинаётган турли мавзулардаги таҳлилий ва танқидий мақолаларда жамиятдаги кўплаб муаммолар кўрсатиб берилмоқда, муҳими, сўнгги йилларда уларда кўтарилган мавзуларга эътибор ҳам кучайганини яққол сезмоқдамиз.

Бу эса таҳририятда ижод қилаётган журналистларимизнинг Ватан равнақига бефарқ эмаслигидан далолатдир.

Мен шу ўринда таҳририят ижодий жамоаси, қалами ўткир журналистларимизга мурожаат қилиб, бундан буён ҳам ҳаққонийлик, адолат тамойиллари улар фаолиятида бош мезон бўлиб қолишини тилаган бўлардим.

Ижодкорларнинг келгусидаги ишларида куч-қувват ва улкан зафарлар тилайман.

***Қадрли дўстлар!***

Албатта, ўтаётган йил сарҳисобига назар ташлар эканмиз, эришилган натижалардан қувонамиз. Бу бизга катта рағбат бағишлайди ҳам. Шу билан бирга, фурсатдан фойдаланиб, **олдимизда турган бир қатор вазифалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан.**

Бугунги кунда мамлакатимиздаги ҳар бир давлат ва нодавлат ташкилоти, жумладан, касаба уюшмалари ҳам тараққиётимиз дастури ҳисобланувчи «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида белгиланган мақсадларга эришишда фаол иштирок этишини асосий вазифалардан деб биламиз.

Хусусан, ходимлар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш ва уларнинг даромадларини мунтазам ошириб бориш масалаларида давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ҳамкорлигини янада кучайтириш доимий диққат марказимизда бўлиши шарт.

Муносиб меҳнат ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларимизни янада юқори даражада ташкил этиш устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолиши лозим.

Меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан касаба уюшмалари жамоатчилик назоратининг шакл ва услубларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш соҳасидаги ишларимизни изчиллик билан давом эттиришимиз талаб этилади.

Ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат соҳасида гендер аудитини ўтказиш амалиётини кенгайтириш барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолиши зарур.

Даволаш ва дам олдириш учун замонавий шароитлар яратиш, санаторийлар ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўринлар сонини кўпайтириш ҳамда уларни модернизация қилиш йўли билан аҳолининг кенг қатламларини соғломлаштиришга жалб этиш чораларини кучайтиришимиз даркор.

Касаба уюшмалари аъзолари сонининг ўсишини таъминлаш соҳасида зарур ва кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш, ушбу масалада раҳбар ва масъул ходимлар жавобгарлигини ошириш энг муҳим вазифамиз бўлиб қолиши керак.

Спорт ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш соҳасидаги ишларимизни юқори даражада ташкил этиш ҳам устувор аҳамият касб этиши лозим.

Касаба уюшмалари соҳасига етук кадрлар етказиб бериш тизимини янада яхшилаш, бу борада замонавий услубларни кенг жорий этиш, соҳадаги кадрлар салоҳиятини йилдан-йилга ошириб бориш асосий мақсадларимиздан бири бўлиб қолаверади.

Аминманки, корхона ва ташкилотларда ходимларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда муносиб меҳнат шароитини таъминлашда фаоллигимизни ошириш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг доимий кун тартибида бўлади.

***Азиз дўстлар!***

Олдимизда ҳали қилиниши лозим бўлган ишларимиз, режаларимиз кўп.

Биз юксак мақсадларни кўзлаганмиз. Бу мақсадларга эришиш биздан фидойилик, она юртга садоқат, ҳамжиҳатлик билан бирга, халқимизнинг жасур ва оловқалб фарзанди муҳтарам Президентимиз бошлаб берган халқпарвар сиёсатни амалга оширишда у кишига камарбаста бўлишни ҳам талаб қилади.

Ушбу шарафли вазифаларни адо этишда сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахту саодат, куч-қувват тилайман.

Илоҳим, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Барчамизнинг бахтимизга муҳтарам Юртбошимиз ҳамиша соғ ва омон бўлсинлар!

Яна бир бор байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!

***Эътиборингиз учун раҳмат!***









# КАСАБА УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИГА КУЧ ВА ШИЖОАТ УЛАШГАН АЙЁМ

**Шу кунларда юртимиздаги қай бир ташкилотга борманг, турли танловлар, тадбирлар, тақдирлашлар ва спорт мусобақалари ўтказилаётганининг гувоҳи бўласиз. Ходимлар самарали меҳнати учун тақдирланмоқда, мукофотланмоқда. Сабаби, уч йилдирки, 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни сифатида нишонланмоқда. Демак, бу сана меҳнаткашлар, ишчи-ходимлар куни.**

Президентимиз ташаббуси билан юртимиз тарихида илк бор 11 ноябрни «Касаба уюшмалари куни» этиб белгилаш таклифи илгари сурилгач, «Ўзбекистон касаба уюшмалари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Шу тариқа юртимиз ишчи-меҳнаткашлари кунига айланган алоҳида сана пайдо бўлди.

Ўзига хос ана шу айём муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг мажлислар залида ташкил этилган бу йилги байрамона тадбир ҳам ғоят кўтаринки кайфиятда, олдингиларидан ўзгача руҳда ўтди.

Тадбирда юртимиздаги корхона ва ташкилотларнинг касаба уюшмалари раислари, тизим ташкилотларининг раҳбар ва ходимлари, танловларда «энг яхши» ва «муносиб» деб топилган ишчи-ходимлар, спортчилар, журналистлар ва жамоатчилик фаоллари жамулжам бўлишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, дастлабки йилларда жойларда бу кунни бошланғич касаба уюшмалари вакиллари ва марказий тармоқ ходимлари нишонлаган эдилар. Эндиликда у барча ишчи-ходимлар учун байрамга айланди. Шунингдек, бошланғич ташкилотлардаги касаба уюшмаси вакиллари ўз аъзолари олдида қилинган ишлар бўйича ҳисоб берадиган, ходимлар манфаати, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси муҳимлиги яна бир бор эътироф этиладиган, келгуси устувор вазифалар белгилаб олинадиган кун сифатида тарихга кирди. Бошқа томондан эса мамлакатимизда касаба уюшмаларининг эркин ва кенг кўламли фаолият юритиши учун барча шароитлар яратилди. Натижада охирги вақтларда касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик янги босқичга кўтарилди. Касаба уюшмаларининг ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, ХМТ конвенцияларини ратификация қилишдаги ва ҳамкорликдаги фаолияти сезиларли даражада яхшиланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов байрам тадбирини кириш сўзи билан очиб, барчани самимий қутлади. Сўнгра тизимда қилинган ишларга тўхталиб ўтди. Таъкидланишича, 2023 йилнинг 10 ойи давомида касаба уюшма ташкилотлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг 3 минг 643 та мурожаати кўриб чиқилди. Натижада қарийб 8,5 минг нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланиб, улар фойдасига 26 миллиард 114 миллион сўмдан зиёд зарар пуллари ундирилди. Ходимлар ҳуқуқларини тиклашни сўраб, иш берувчиларга киритилган 82 та тақдимноманинг 67 таси қаноатлантирилиб, қонун бузилиши ҳолатлари бартараф этилди. Федерация томонидан давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида Гендерга оид аудит ўтказиш ишлари йўлга қўйилди.

Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси ва Иш берувчилар конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича имзоланган Бош жамоа келишуви, 14 та ҳудудий жамоа келишуви, 102 та тармоқ жамоа келишувига амал қилинмоқда. Бевосита корхона ва ташкилотларда касаба уюшмаси хизматига олинган 113 минг 262 та юридик шахснинг 113 минг 174 тасида, яъни 99,9 фоизида жамоа шартномалари тузилди. Ушбу ҳужжат орқали муносиб меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси, бандликни таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий имтиёз ва кафолатлар белгилаш, дам олдириш ва соғломлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун республика бўйича ўртача 1 нафар ходимга йил давомида сарфланган маблағ миқдори 7 миллион 600 минг сўмдан зиёдни ташкил этмоқда.

Албатта, бундай натижаларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Улар жойлардаги меҳнат инспекторлари, бошланғич ташкилот касаба уюшмаси раисларидан тортиб, туман, шаҳар ва республика ташкилотлари касаба уюшмаси кенгашлари вакилларининг тинимсиз изланишлари, фидокорона меҳнатлари самарасидир. Шу боис байрам тадбирида Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги, шунингдек, касаба уюшмалари ҳаракати ривожига муносиб ҳисса қўшган фаол, фидойи, ташаббускор инсонлар рағбатлантирилди. Дастлаб даврага Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида бўлиб ўтган IV Параосиё ўйинларида иштирок этиб, олтин медалларни қўлга киритган Касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг 6 нафар пара каноэ спортчиси таклиф этилди. Уларнинг барчасига «Энг яхши спортчи» махсус номинациялари ва пул мукофотлари топширилди.

Дарвоқе, 2023 йил юртимиз спортчилари учун бетакрор тарихий йил бўлди. Жумладан, эшкак эшиш йўналишида қўлга киритилган жами 14 та медалнинг учдан бир қисми Касаба уюшмалари спортчиларига тааллуқли бўлди. Сал кейин бўлиб ўтган Параосиё ўйинларида ҳам 6 нафар спортчимиз қатнашиб, барчаси юртимизга олтин медаллар билан қайтгани ҳар қанча таҳсинга лойиқ ютуқдир.

Тадбирда спортчилардан кейин «Касаба уюшма аъзолари орасида маданий-маърифий ишларни намунали ташкил қилган бошланғич ташкилот», «Энг яхши жамоа шартномаси – 2023», «Болаларни соғломлаштириш мавсумида энг фаол иштирок этган ҳудудий касаба уюшмаси», «Энг намунали оромгоҳ», «Энг яхши лойиҳачи», «Энг яхши шифокор», «Энг яхши қурувчи», «Энг яхши ўқитувчи», «Энг яхши журналист», «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг яхши маҳалла раиси» каби қатор номинациялар бўйича ғолиблар тақдирланди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, болалар оромгоҳлари фаолиятида бу йил катта ўзгариш рўй берди. Йўқолиб кетиш арафасида турган 106 та оромгоҳ янги ташкил этилган Болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти таркибига ўтказилди. Айни пайтда уларнинг 75 тасида навбати билан қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, барчаси зарур жиҳозлар ва инвентарлар, маиший техникалар билан таъминланди. Бунинг учун 43 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Ёз мавсумида республика бўйича жами 1 минг 118 та болалар оромгоҳи фаолияти йўлга қўйилиб, уларда 350 минг нафарга яқин ўғил-қиз соғломлаштирилди.

Ёзги мавсумни мазмунли ва болажонларнинг эсида қоладиган қилиб ўтказиш ҳар доим муҳим вазифалардан бири саналади. Жорий йилда барча тизим ташкилотлари ҳам бу борада ўз саъй-ҳаракатларини аямади. Аммо танлов шартларига кўра, мавсумда энг кўп жонбозлик кўрсатилганига, фарзандларимиз учун намунали шароитлар яратишда ҳар томонлама фаол иштирок этилганлигига эътибор қаратилди. Пировардида Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши «Болаларни соғломлаштириш мавсумида энг фаол иштирок этган тармоқ касаба уюшмаси», Касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон Кенгаши эса «Болаларни соғломлаштириш мавсумида энг фаол иштирок этган ҳудудий касаба уюшмаси» деб топилди. «Энг намунали оромгоҳ» сифатида «Сўх» болалар соғломлаштириш оромгоҳи эътироф этилган бўлса, «Энг яхши оромгоҳ раҳбари» номинацияси «Анор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбарига насиб этди.

Тақдирлаш навбати соҳада кўп йиллик фидойилигини исботлаганларга эъзоз ва эҳтиром кўрсатишга етиб келди. Анъанага биноан, Ватан тараққиёти, унинг қудратини юксалтиришда фидойилик қилаётган, касаба уюшмалари нуфузини оширишга салмоқли ҳисса қўшаётган бир гуруҳ юртдошларимизга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг юксак мукофоти – «Эҳтиром» нишони топширилди. Тақдирланганлар орасида Юнус Гапуров, Гулноза Тошпўлатова, Рустам Абдувалиев, Александр Щетинин каби тизимда узоқ йиллардан буён баракали ва намунали меҳнат қилиб келаётган соҳа ходимлари бор. Таъкидлаш жоизки, бу инсонлар ўз вазифаларини сидқидилдан бажариш билан бирга, ташкилотларда жамоа шартномалари бажарилишини таъминлашда ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда.

Бугунги кунда жамоа шартномаси иш ҳақи миқдорини оширишнинг самарали воситасига айланаётгани қувонарлидир. Хусусан, республика бўйича 19 минг 15 та корхона ва ташкилотда жамоа шартномалари асосида ягона тариф сеткасида белгиланган разрядлар коэффициенти кўтарилишига эришилди. Натижада қарийб 900 минг ходимнинг иш ҳақи оширилди. Жамоа шартномаларининг барчасига ходим билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишдан аввал, албатта, касаба уюшма қўмитаси розилигини олиш зарурлигига оид талаб киритилди.

Жамоа шартномаларига биноан 98 минг 436 нафар ходимга тўлиқсиз иш вақти шароитида ишлаш имкони яратилди. 2 миллион 188 минг нафардан зиёд ходим асосий узайтирилган, 2 миллион 940 минг нафардан зиёд ходим эса йиллик қўшимча таътиллардан фойдаланмоқда. 2023 йилнинг 10 ойи давомида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 156 минг 108 нафар фуқарога ва 65 минг 55 та оилага қарийб 144 миллиард сўмлик ижтимоий кўмак кўрсатилди.

Инсонни қадрлаш мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар асосини ташкил этади. Азал-азалдан халқимиз ёрдамга муҳтож кишиларга мурувват кўрсатган, ногиронларни қўллаб-қувватлаган, етим-есирлар бошини меҳр ила силаган, бағрига босган. Бу борада «Аёллар дафтари» кўплаб опа-сингилларимизнинг дардига малҳам бўлаётгани рост. Касаба уюшмалари Федерацияси маблағлари ҳисобидан ҳар йили маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиларининг тавсияномасига асосан моддий ёрдам, дори-дармон, даволаниш учун маблағ ва санаторийларга йўлланмалар бериб борилмоқда. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатда бўлган ёки «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»дан бирига киритилган ҳамда меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқароларнинг болаларига эса мавсумий фаолият юритадиган оромгоҳларга бепул йўлланмалар бериш тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.

Тадбирда бу ишларни касаба уюшмаси билан уюшқоқликда, ҳамкорликда бажариб келаётган ташкилот вакиллари ҳам рағбатлантирилди. Хусусан, «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг яхши маҳалла раиси», «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси», «Энг яхши ёшлар етакчиси», «Энг яхши хотин-қизлар фаоли», «Энг яхши профилактика инспектори» номинациялари бўйича ғолибларга тегишли фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тизимда кўп йиллар самарали меҳнат қилган, маданият ва спортни, шунингдек, касаба уюшмалари нуфузини юксалтиришга катта ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимизни рағбатлантириш мақсадида «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси лауреати» мукофоти таъсис этилган эди. Тантанали тадбирда бу мукофот ҳам ўз эгаларини топди.

Касаба уюшмасининг катта мажлислар залига йиғилганлар тизимдаги бир йиллик фаолият ва унинг сарҳисобигагина эмас, фидойи инсонларнинг меҳнати маҳсулидан келган қувонч, шодлик ва эъзозга ҳам гувоҳ бўлишди. Инсонга фақат яратувчанлик ва эзгуликлар ярашади. Ана шу хислати учун уни рағбатлантириш, ўзига ишонч билдириш ва қўллаб-қувватлаш эса давлатимизнинг, жумладан, касаба уюшмаларининг ҳам бош вазифасидир. Байрам куни тақдирланган юртдошларимиз бу рағбатни, эҳтиромни яна бир бор чуқур ҳис этишди. Келгуси ишлари учун куч ва шижоат олишди. Сўзга чиққанлар дилларига инган кўтаринкилик ва гўзал таассуротлар оғушида соҳа ходимларига, жонкуярларга энг эзгу тилакларини билдиришди, бир-бирларини қутлашди. Сўнгра бир пиёла чой устида гурунгни давом эттиришди.

**Зебо НАМОЗОВА**
«ISHONCH»

*Эъзоза УМРЗОҚОВА олган суратлар*



**Юнус ГАПУРОВ,**
**Ўзбекистон Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси, «Эҳтиром» нишони соҳиби:**

*– Йил якуни арафасида ҳар бир соҳада амалга оширилган ишлар таҳлил қилинади, келгуси режалар белгиланади. Хусусан, касаба уюшмалари тизимида ҳам жорий йилда қатор хайрли ташаббуслар илгари сурилди, қувонарли ютуқларга эришилди. Албатта, ютуқларимиз ўзимизники, олдинда эса янада масъулиятли вазифалар турибди. Уларни амалга ошириш, яхшиликлар, янгиланишлар учун юртимизда барча шароитлар мавжуд. Касаба уюшмаларининг эркин ва кенг кўламли фаолият юритиши учун имкониятлар етарли. Шундай экан, халқимизга хизмат қилишдан мамнунмиз.*



**Шаҳноза МИРЗАЕВА,**
**Пара каноэ бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, халқаро тоифадаги спорт устаси, 2023 йилги Осиё ўйинларида олтин медаль совриндори:**

*– Яқинда ўтказилган нуфузли халқаро мусобақада ғолиблик шоҳсупасига кўтарилдим. Бу катта фахр ва қувонч. Юрт байроғи баланд ҳилпираб, мадҳиямиз янграганда энтикиб кетамиз. Ортимизда Юртбошимиз, яқинларимиз ва халқимиз ишончи турганини ҳис қиламиз.*

*Бугун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан кўрсатилган рағбат ва эътибордан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Бизга билдирилган юксак ишончни, албатта, оқлашга ҳаракат қиламиз.*



**Аслиддин ДЎСТОВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги «Шодиёна» бадиий жамоаси раҳбари, «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси лауреати» мукофоти соҳиби:**

*– Юртимизга байрамлар ярашади. Касаба уюшмалари куни ҳам байрамлар қаторида нишонланаётгани меҳнаткашлар ва ишчи-ходимлар чин маънода қўллаб-қувватланаётганининг яна бир белгисидир.*

*Меҳнат кишини улуғласа, яхши ҳордиқ, маданий дам олиш самарадорликни таъминлайди. Касаба уюшмалари бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратади. Бизнинг халқ олдидаги хизматимиз мана шу ғоя ва ташаббуслар билан чамбарчас боғлиқ.*



**Ўлмас МЎМИНОВ,**
**«Анор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи директори:**

*– Бугунги эътирофдан жуда хурсандман. «Энг яхши оромгоҳ раҳбари» номинацияси ғолиби бўлиш мен учун шараф ва масъулият. Болалар билан ишлаш завқли. Ҳамиша эътиборга муносиб бўлишга интиламиз.*



Тошкент вилояти



# САФИМИЗ ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА

**Олмалиқ шаҳрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан Касаба уюшмалари куни муносабати билан байрам тадбири ташкил этилди.**

Унда тармоқ ва бошланғич касаба уюшмаси қўмиталарининг раислари ҳамда аъзолари, узоқ йиллар тизимда меҳнат қилган фахрийлар, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раиси Мурод Носиров ҳамда Олмалиқ кон-металлургия комбинати раиси Абдулла Хурсанов касаба уюшмаларининг ходимлар ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида сўзлаб, барча йиғилганларни байрам билан қутладилар.

Турли танловларнинг республика босқичларида муносиб иштирок этган ҳамда вилоят босқичида фахрли ўринларни қўлга киритган «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг яхши маҳалла раиси», «Энг яхши хотин-қизлар фаоли», «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси», «Энг яхши ёшлар етакчиси» ҳамда «Энг яхши маҳалла инспектори» номинациялари ғолибларига Ўзбекистон касаба уюшмаларининг эсдалик совғалари ҳамда пул мукофотлари топширилди. Шунингдек, сана муносабати билан бир қатор касаба уюшмаси фаоллари ҳам рағбатлантирилди.

Бугунги кунда Тошкент вилояти касаба уюшмалари тизимида 2936 та бошланғич ташкилот бўлиб, улардаги 449820 нафар аъзо турли соҳаларда фаолият кўрсатмоқда.

Касаба уюшмалари томонидан корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ҳар бир ходимнинг муносиб меҳнат шароитларида ишлаши, меҳнатига яраша ҳақ тўланишига эришиш билан бирга, уларнинг саломатлиги муҳофазасига ҳам алоҳида аҳамият бериб борилмоқда. Натижада касаба уюшмаси аъзоларининг сафи кун сайин кенгайишига замин яратилмоқда.

**Холида ЭГАМБЕРДИЕВА**
«ISHONCH»

Андижон вилояти

# ЮК КЎТАРГАН ЮЗАГА ЧИҚАДИ

**Ҳар бир давлат хизматчисининг ёки жамоат ташкилоти вакилининг – у қайси лавозимда бўлишидан қатъи назар – бажарадиган муайян вазифалари бор. Ҳамма гап ана шу вазифаларнинг нечоғли сифатли ва виждонан адо этилишию, бундан эл-юрт қай даражада манфаат кўришида!**

Давлат раҳбарининг ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган «Аёллар дафтари» тизими бугунга келиб минглаб оилалар, опа-сингилларимизнинг турмуш тарзини, ҳаёт сифатини яхшилаб, муаммоларини бартараф этишга хизмат қилаётгани бор гап. Эзгу саъй-ҳаракатлар туфайли кўнглига ёруғлик кираётган хотин-қизларнинг ўзининг эртанги кунига, шу билан бирга, давлатга бўлган ишончи мустаҳкамланаётгани ҳам сир эмас. Бу ютуқлар замирида хотин-қизларга ҳар томонлама кўмак бераётган, уларни ўйлантираётган ўткир ҳаётий масалаларга жўяли ечим топиш йўлида қалб амри билан меҳнат қилаётган фаоллар, хусусан, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг катта меҳнати ётганини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Шу жиҳатларни инобатга олиб, бир муддат аввал Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси «Аёллар дафтари»га рўйхатга олинган юртдошларимизга кўмак бераётган фидойиларнинг меҳнатини эътироф этиб боришни йўлга қўйгандики, бугунга келиб, бу танловлар анъанага айланди ҳисоб.

Андижон шаҳрида ўтказилган тантанали маросимда 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари ходимлари куни олдидан бир гуруҳ ана шундай фаоллар рағбатлантирилди.

Тадбирда ғолибларга тақдим этилган диплом ва мукофотлар, ташкилотчиларнинг самимий тилак ва ташаккурлари юк кўтарган юзага чиқади, деган ҳаётий нақлни яна бир бор ифода этди.

**Нурилло НЎЪМОНОВ**
«ISHONCH»



Қашқадарё вилояти

# МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

**Қарши шаҳридаги «Асл» тантаналар уйида Касаба уюшмалари куни байрами кенг нишонланди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Бахтиёр Жўраев, раис маслаҳатчиси Эсон Ражабов йиғилганларни айём билан қутлаб, касаба уюшмаларининг халқимиз ҳаётида, ходимларнинг муносиб ҳимоялаш йўлидаги ўрни ва улуши тобора ошиб бораётганини алоҳида таъкидлашди.**




Байрам тадбири сарҳисоб онларига уланиб кетди. Бир қатор фаоллар соҳадаги самарали меҳнатлари эвазига муносиб тақдирландилар. Шу жараёнда аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиғини асраб-авайлаш, хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш, маҳаллаларни ободонлаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш, таълим-тарбияни ривожлантириш ва бошқа йўналишларда ҳам диққатга молик ишлар амалга оширилаётгани алоҳида эътироф этилди. Ғолибларга пул мукофотлари ва махсус дипломлар топширилди.

Тантанали маросим чоғида Ойгул Халилова, Умрзоқ Қувватов ҳамда воҳанинг бошқа хушовоз санъаткорлари ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқлар даврага янада файз киритди.

**Акмал АБДИЕВ**
«ISHONCH»

Жиззах вилояти

# ҲАҚИҚИЙ ХАЛҚ ТАШКИЛОТИ

**Жиззах вилояти ҳокимлиги анжуманлар саройида 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан байрам тадбири ташкил этилди.**




Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши жамоаси, турли бошқарма ва муассасалар раҳбарлари, ҳамкор ташкилотлар ходимлари, фахрийлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими Эргаш Салиев иштирокчиларни байрам билан табриклаб, касаба уюшмалари умумхалқ ташкилотига, Янги Ўзбекистонни барпо этишда ташаббускор кучга айланиб бораётганини қайд этди.

Айни пайтда вилоят касаба уюшмалари ўз сафига 248 минг нафардан зиёд аъзони бирлаштириб, уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишига яқиндан кўмаклашмоқда.

Байрам тадбирида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан эълон қилинган «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг яхши маҳалла раиси», «Энг яхши хотин-қизлар фаоли», «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси», «Энг яхши ёшлар етакчиси», «Энг яхши профилактика инспектори» каби танловлар ғолибларига ҳамда «Эҳтиром» нишони ва «Энг яхши шифокор» мукофотларига муносиб кўрилганларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ**
«ISHONCH»

Самарқанд вилояти

# НАМУНАЛИ ФАОЛИЯТ



Самарқандда касаба уюшмаларининг бир қатор танловлари ғолиблари тақдирланди.

Тадбир аввалида «Самарқанд автомобиль заводи» МЧЖ корхонаси маъмурий-хўжалик бўлими транспорт гуруҳи раҳбари, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Шуҳрат Ҳамроқуловга «Эҳтиром» нишони топширилди.

Тармоқ касаба уюшмалари ўртасида ўтказилган «Энг яхши жамоа шартномаси» танлови номинацияси ғолиблиги ҳам айнан автомобилчиларга насиб этди.

Вилоят транспорт бошқармаси, трамвай линияларини эксплуатация қилиш дирекцияси бошланғич касаба уюшма қўмитасига «Касаба уюшмалари аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштирган намунали бошланғич ташкилот» номинацияси ғолиблиги дипломи берилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан эълон қилинган «Аёллар дафтари» тизимини юритиш, хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишда фидойилик кўрсатган масъуллар ўртасидаги танловнинг номинациялар бўйича ғолиблари эълон қилинди.

Ғолибларнинг ҳар бирига касаба уюшмалари томонидан ажратилган ўттиз миллион сўмдан пул мукофотлари топширилди.

**Нурилла ШАМСИЕВ**
«ISHONCH»



Хоразм вилояти



# ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

**Урганчдаги муҳташам кошонада ўтказилган байрам тадбирида Хоразм вилоят ҳокимлиги мутасаддилари, сектор раҳбарлари, касаба уюшма фаоллари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.**

Вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимов меҳнат аҳлини касаба уюшмалари куни билан табриклади.

Юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт, демократик жамият қуриш йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ва уларнинг амалий натижаларини таъминлашда касаба уюшмаларининг муносиб ҳиссаси борлиги таъкидланди. Ўзининг бой тажриба мактаби, шонли анъаналарига эга бўлган касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши ҳам меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояси, инсон манфаатларини таъминлаш йўлида кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказилган танловларнинг ғолиб ва совриндорлари тақдирланди. Бундан ташқари, бир гуруҳ касаба фаоллари ва ҳамкор ташкилотлар вакилларига Хоразм вилояти ҳокими ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгашининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Байрам тадбири маданий дастур билан давом эттирилди.

Касаба уюшмалари куни муносабати билан Хоразм вилоятининг барча меҳнат жамоаларида ҳам маданий-маърифий, спорт ва бошқа байрам тадбирлари давом этмоқда.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА**
«ISHONCH»

Навоий вилояти

# САФИМИЗДА ЯХШИЛАР КЎП!

**Навоий шаҳридаги «Маънавият ва маърифат маркази» биносида Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан байрам тадбири ўтказилди.**

Унда касаба уюшмалари вилоят кенгаши жамоаси, тармоқ ва бошланғич ташкилотларнинг раҳбарлари, аъзолари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Навоий вилояти ҳокими Нормат Турсунов тадбирни кириш сўзи билан очар экан, юртимизда Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимининг фаолияти ҳақида тўхталди. Меҳнаткашлар манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий, моддий ва маънавий, ижтимоий-сиёсий салоҳиятини ва бу борадаги билимлари, кўникмаларини ошириш борасида тизим томонидан амалга оширилаётган ишлар кўламини юқори баҳолади.

Шундан сўнг сўз олган вилоят кенгаши раҳбари Назира Тоғаева ҳам тизим фаолларига, фахрийларга чин дилдан миннатдорчилик билдириб, барча қатнашчиларни мазкур байрам билан самимий табриклади. Ўз навбатида, касаба уюшмалари Федерацияси тизими ва унинг атрофида самимий ҳамда фидойи инсонлар йиғилганлигини барчага яна бир бор эслатди.

Байрам тадбири давомида «Энг яхши ёшлар етакчиси», «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси», «Энг яхши маҳалла раиси», «Энг яхши хотин-қизлар фаоли», «Энг яхши сектор раҳбари» танловларининг ғолиблари ҳам муносиб тақдирландилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Алишер Раҳматов «Эҳтиром» нишони билан тақдирланган бўлса, «Навоийазот» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Феруза Файзиева «Энг яхши бошланғич ташкилот» танловининг республика босқичи ғолиблигини қўлга киритгани учун муносиб мукофотланди.



Навоий давлат педагогика институтининг табиий фанлар факультети 3-босқич талабаси Бегойим Мустафоевага Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси стипендиясига сазовор бўлгани ҳақида сертификат топширилди. Кармана туман даги 14-умумтаълим мактаби тарих фани ўқитувчиси Ҳусан Пармонов ҳам ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун вилоят кенгашининг диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғаси билан тақдирланди.

Байрам асноси касаба уюшмалари тизими ва маҳаллий ҳокимиятлар зиммасидаги вазифаларнинг бажарилишига сидқидилдан ҳисса қўшган ички ишлар органлари, прокуратура ходимлари, фахрийлар, иш берувчи ташкилотлар раҳбарлари, тадбиркорлар фаолияти ҳам алоҳида тилга олиниб, уларга самимий миннатдорлик билдирилди.

**Нормурод МУСОМОВ**
«ISHONCH»

*Сирдарё вилояти*

# АЪЛО КАЙФИЯТ БИЛАН...

**Гулистон шаҳридаги «Фаровон» тантаналар саройига касаба уюшмалари фахрийлари, фаоллари ва кўплаб меҳмонлар жам бўлишди. Бу ерда касаба уюшмалари ходимлари куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.**




Уни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов кириш сўзи билан очди. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Абдуғаппар Салихов йиғилганларни байрам билан муборакбод этди. Шундан сўнг табрик учун сўз вилоят ҳокими Акмалжон Маҳмудалиевга берилди.

Вилоят ҳокими ўз чиқишида касаба тизими соҳасида амалга оширилаётган ютуқларга тўхталди. Муносиб меҳнат қилганлар эътирофга лойиқ эканини таъкидларкан, Сирдарё вилоятида куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва «Яшил макон» умуммиллий дастурини ривожлантиришда ҳамда касб байрами муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясидан вилоятга бириктирилган вакиллар ҳамда касаба уюшма фаоллари тақдирланишини эълон қилиб, уларга ҳокимликнинг фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғаларини топширди. Шунингдек, байрам тадбирида «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг яхши маҳалла раиси», «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси», «Энг яхши ёшлар етакчиси», «Энг яхши хотин-кизлар фаоли», «Энг яхши профилактика инспектори» республика танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлганлар ҳам диплом ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Алишер Файз ҳамда сирдарёлик ёш хонанда Бахтиёр Хидиров ўзларининг шўх куй-қўшиқлари билан даврага файз бағишлашди.

Касаба уюшмаси ходимлари байрами унутилмас кун сифатида кўнгиллардан жой олди.

**Баҳор ХОЛБЕКОВА**
«ISHONCH»

*Сурхондарё вилояти*



# БАЙРАМ ТАНТАНАЛИ НИШОНЛАНДИ

Термиз шаҳрида Касаба уюшмалари куни кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида тантанали равишда нишонланди.

Тадбирда сўз олган мутасаддилар касаба уюшмалари фақатгина меҳнаткашларнинг бирлашмаси бўлиб эмас, чин маънода одамларнинг ҳар томонлама суянчига, ҳақ-ҳуқуқларининг мустаҳкам таянчига айланган умумхалқ ташкилотига айланиб бораётганлигини таъкидлашди. Бинобарин, «Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!» деган ҳаётбахш ғоя асосида касаба уюшмалари ҳар бир соҳа бўйича тобора халққа яқинлашган ҳолда фаолият юритмоқда.

– Айни пайтда вилоятимиз касаба уюшмалари ўз сафида 340 мингдан ортиқ аъзони бирлаштириб, уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга яқиндан кўмаклашмоқда. Биргина аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш учун сўнгги йилларда «Амударё» соғломлаштириш маркази, «Хўжаипок», «Термиз марвариди» ва «Сангардак» санаторийлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу билан вилоятимизда сиҳатгоҳлар сони 4 тага етди. Унда йил давомида 30 мингдан ортиқ аҳоли ўз соғлиқларини тикламоқда, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов.

Соҳа фидойилари шарафланган байрам тадбирида Касаба уюшмалари Федерацияси эълон қилган «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг яхши маҳалла фуқаролар йиғини раиси», «Энг яхши хотин-қизлар фаоли» каби танловлар ғолибларига диплом, пул мукофотлари ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, 30 нафар соҳа ходими ва фаол ишчи-хизматчилар вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Воҳа санъаткорларининг куй-қўшиқлари ва рақслари барча иштирокчилар қалбига олам-олам қувонч бағишлади.

Байрам тадбирида вилоят ҳокими ўринбосарлари Илҳом Сапаров ва Зулхумор Хидирова иштирок этишди.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ**
«ISHONCH»

*Қорақалпоғистон Республикаси*

# МУШТАРАК МАҚСАД ЙЎЛИДА

**Нукус шаҳридаги Ёш томошабинлар театрида «Касаба уюшмалари – инсон манфаатлари йўлида» мавзусида байрам тадбири ўтказилди.**




Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси А.Оринбаев сўзга чиқиб, соҳа ходимларини Ўзбекистон касаба уюшмалари куни байрами билан қизғин табриклади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши томонидан «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да кўпгина самарали ишлар амалга оширилгани, жумладан, жамоат шартномалари, хотин-қизлар масалалари, ҳимояга муҳтож фуқаролар, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, «Аёллар дафтари», сиҳатгоҳ ва оромгоҳлар касаба уюшмасининг бугунги кундаги ижобий фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган «Энг яхши маҳалла раиси», «Энг яхши ёшлар етакчиси», «Энг яхши хотин-қизлар фаоли», «Энг яхши профилактика инспектори», «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси» танловлари ғолибларига мукофотлар топширилди.

Яна бир гуруҳ соҳа ходимлари «Эҳтиром» нишони ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Санъаткорлар ижросидаги концерт дастури тадбирга файз бағишлади.

**Фотима АБДУРАИМОВА**
«ISHONCH»

*Наманган вилояти*



# ЭНГ МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Касаба уюшмалари ходимлари куни муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгашида энг фаол ва ташаббускор касаба уюшма аъзолари ҳамда ўз ишининг фидойи вакиллари тантанали равишда тақдирланди.

Улар орасида хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал қилиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика танловининг бир қатор ғолиблари ҳам борлиги алоҳида эътироф этилди. «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг яхши маҳалла раиси», «Энг яхши профилактика инспектори», «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси», «Энг яхши хотин-қизлар фаоли», «Энг яхши ёшлар етакчиси» номинациялари ғолибларининг ҳар бири 30 миллион сўмдан пул мукофоти ва эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

Маросимда юртимизда ягона саналмиш «Океан» сув спорти саройи муассасаси директори Расулжон Низамбаевга Ўзбекистон касаба уюшмаларининг «Эҳтиром» нишони тантанали равишда топширилди. Олий ўқув юртида таҳсил олаётган икки нафар фаол йигит-қизга эса санаторийда ўз соғлиқларини тиклашлари учун бепул йўлланмалар берилди.

Тақдирлаш маросимида вилоят ҳокими ўринбосари Ғуломжон Муродхўжаев, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Динара Якубова ҳамда вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Ҳасанбой Хожаев қатнашди.

**Орзугул РУСТАМОВА**
«ISHONCH»

*Фарғона вилояти*






# УНУТИЛМАС КУН

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши томонидан «Янги Ўзбекистонда янги касаба уюшмалари» шиори остида тадбир уюштирилди.**

Тадбирда сўз олган Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров барчани Ўзбекистон касаба уюшмалари куни билан қутлаб, бугунги кунда вилоятда 3 минг 200 та бошланғич ташкилотда 550 мингга яқин касаба уюшма аъзолари фидокорона меҳнат қилиб келаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Айтиш ўринлики, касаба уюшмаси томонидан жорий йилнинг 10 ойи давомида 165 нафар ишчи-хизматчининг меҳнатга оид бузилган ҳуқуқлари касаба уюшмалари орқали тикланди. Шунингдек, ишчи-ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш орқали 3 миллиард сўмга яқин иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловлар ундириб берилди.

Бундан ташқари, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 27 мингдан зиёд меҳнаткашларнинг касаба уюшма ҳамда иш берувчилар томонидан республикамиз ва вилоятнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлари ташкил этилди. Жорий йилда 7 минг 100 нафар ишчи-ходим санаторийларда соғломлаштирилди, вилоятдаги 11 мингдан зиёд болажонлар ёзги оромгоҳларда таътилни мароқли ўтказди.

Байрам тадбирида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан эълон қилинган «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг яхши маҳалла фуқаролар йиғини раиси», «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси», «Энг яхши ёшлар етакчиси», «Энг яхши хотин-қизлар фаоли» ҳамда «Энг яхши профилактика инспектори» каби танловларнинг вилоят босқичи ғолибларига диплом, пул мукофотлари ва эсдалик совғалари топширилди.

– Бугун мен учун унутилмас кун. Камтарона меҳнатим юксак баҳоланиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан таъсис этилган «Эҳтиром» нишони билан тақдирландим, – дейди «Фарғонаазот» АЖ жиҳозларни марказлаштирилган таъмирлаш цехи чилангар-таъмирловчиси Убайдулло Аҳмедов. – Бундай мукофотга лойиқ кўрилганимдан беҳад шодман. Бу эътироф нафақат менга, балки мен билан бирга елкама-елка меҳнат қилаётган жамоамизга берилган мукофотдир.

Яна бир эътиборли жиҳати, вилоятдаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилиб келаётган 20 нафар ишчи-ходимга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги санаторийларга бепул йўлланмалар тақдим этилди.

**Жамшид ЭРГАШЕВ**
«ISHONCH»

*Бухоро вилояти*



# «ИПАК ЙЎЛИ»ДАГИ ДИЙДОРЛАШУВ

**Касаба уюшмалари Бухоро вилоятида ўз фаолиятини ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида бошлаган. Бугунги кунда ҳудудда 2337 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, улар ўз сафига бирлашган 359 минг 960 нафар аъзонинг ҳақиқий ҳимоячисига айланиб улгурган. Шу боис Ўзбекистон касаба уюшмалари куни барча корхона, ташкилот ва муассасаларда кенг нишонланмоқда. Жумладан, сана муносабати билан вилоят кенгаши томонидан «Ипак йўли» маросимлар залида тантанали байрам тадбири уюштирилди.**

Унда вилоят ҳокимлиги мутасаддилари, касаба уюшма фаоллари, соҳа фахрийлари, ҳамкор ташкилотлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар сўнгги йилларда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этаётганини таъкидладилар. Сўнгра меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва касаба уюшмалари нуфузини оширишга салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ фаоллар қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Жумладан, «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Баҳодир Каримовга Федерациянинг «Эҳтиром» нишони топширилди. Бухоро давлат университети талабаси Меҳриддин Насимов олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган иқтидорли ёшлар учун таъсис этилган касаба уюшмалари стипендияси сертификатига лойиқ кўрилди. Аёлларнинг муаммо ва мурожаатлари ҳал этилишига салмоқли ҳисса қўшаётган бир неча масъул ходим эса вилоят кенгаши мукофотига сазовор бўлди.

Тантанали тадбир ниҳоясида вилоят санъат усталари ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан иштирокчилар дилини хушнуд айладилар.

**Абира ИМОМОВА,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федарацияси Бухоро вилояти кенгаши мутахассиси

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТОМОНИДАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР РЎЙХАТИ

## «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси лауреатлари»

**Махмадалиев Бахтиёр Хасанович**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари

**Дўстов Аслиддин Фазлиддинович**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги «Шодиёна» бадиий жамоаси раҳбари

**Насиров Абдумажид Уткурович**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги Муз устида хоккей бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби спорт ишлари бўйича директори

### «ЭНГ НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ»

***Ходимлар сони 100 нафаргача бўлган бошланғич ташкилотлар***

#### Ижтимоий соҳа

**Ачилов Акром Джалалитдинович**
«Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки дирекцияси» масъулияти чекланган жамияти («IT-Park») Касаба уюшма қўмитаси раиси

**Шарипов Ҳотам Шамсиевич**
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бухоро вилояти бош бошқармаси Касаба уюшма қўмитаси раиси

**Юсупова Офтобхон Мукаррамовна**
Косонсой туманидаги 44-сонли махсус мактаб-интернати Касаба уюшма қўмитаси раиси

#### Саноат ва ишлаб чиқариш

**Шадиев Искандар Бозорович**
Самарқанд вилояти Транспорт бошқармаси, Трамвай линияларини эксплуатация қилиш дирекцияси Касаба уюшма қўмитаси раиси

***Ходимлар сони 100 нафардан ортиқ бўлган бошланғич ташкилотлар***

#### Ижтимоий соҳа

**Мирзаахмедова Фарида Мирзарахимовна**
Тошлоқ тумани тиббиёт бирлашмаси Касаба уюшмаси қўмитаси раиси

**Қиёмов Дилшод Холмурадович**
ТИҚХММ институти Миллий тадқиқот университетининг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти Касаба уюшма қўмитаси раиси

**Усманов Фазлиддин Мирвалиджанович**
Гулистон олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази Касаба уюшма қўмитаси раиси

#### Саноат ва ишлаб чиқариш

**Файзиева Феруза Хамидовна**
«Навоийазот» акциядорлик жамияти Касаба уюшма қўмитаси раиси

**Алимов Улуғбек Азим ўғли**
«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти Мис бойитиш фабрикаси Касаба уюшма қўмитаси раиси

**Скопина Лариса Станиславовна**
«Uzbekistan airways technics» масъулияти чекланган жамияти Касаба уюшма қўмитаси раиси

**Кенжаев Бобир Одимович**
«Enter Engineering Pte Ltd.» компанияси Касаба уюшма қўмитаси раиси

### «Энг яхши спортчи»

**Рустамова Иродахон Иқболжон қизи**
Пара каноэ бўйича Ўзбекистон Миллий терма жамоаси аъзоси, спорт устаси, 2023 йил Осиё ўйинларида олтин медаль совриндори

**Абдулхабибов Азизбек Абдумалик ўғли**
Байдарка ва каноэда эшкак эшиш спорт турининг пара каноэ бўйича Ўзбекистон Миллий терма жамоаси аъзоси, спорт устаси номзоди, 2023 йил Осиё ўйинларида олтин медаль совриндори

**Мирзаева Шахноза Шокир кизи**
Пара каноэ бўйича Ўзбекистон Миллий терма жамоаси аъзоси, халқаро тоифадаги спорт устаси, 2023 йил Осиё ўйинларида олтин медаль совриндори

**Шерқузиев Хайтмурот Бахтиёр уғли**
Пара каноэ бўйича Ўзбекистон Миллий терма жамоаси аъзоси, халқаро тоифадаги спорт устаси, 2023 йил Осиё ўйинларида олтин медаль совриндори

**Мамадалиева Шахзода Адхамжон қизи**
Пара каноэ бўйича Ўзбекистон Миллий терма жамоаси аъзоси, спорт устаси, 2023 йил Осиё ўйинларида олтин медаль совриндори

**Кулдашев Хасан Алиназар ўғли**
Пара каноэ бўйича Ўзбекистон Миллий терма жамоаси аъзоси, спорт устаси, 2023 йил Осиё ўйинларида олтин медаль совриндори

### «Энг яхши шифокор»

**Махмудова Нигора Хамраевна**
Даволаш-профилактика маркази врач-физиотерапевти

**Ҳамдамова Барно Ҳамрақуловна**
«Зомин» санаторийси шифокори

### «Энг яхши ҳамшира»

**Курбанова Гулчехра Хайдаровна**
«Турон санаторийси» АЖ Кардио-неврология бўлими катта ҳамшираси

**Муминова Окилжан Абдуллаевна**
«Хонқа санаторийси» МЧЖ шам-озакерит хона ўрта тиббиёт ҳамшираси

**Алиев Шахриёр Ғаниевич**
«Термиз марвариди» санаторийси ўрта тиббий ходими

### «Энг яхши пазанда»

**Миртурсунова Вазира Мирзараимовна**
«Оқтош» санаторийси ошпази

### «Энг яхши санаторий»

«Косонсой» санаторийси.
Директор –
**Қаландаров Абдуллахон Махмутхонович**

### «Энг яхши ўқитувчи»

**Мухамедов Неъматулло Асатуллаевич**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг малака ошириш институти ўқитувчиси

**Ахунджанов Козим Абидович**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ўқув услубий бўлими бошлиғи

### «Энг яхши журналист»

**Абдураҳмонов Алижон Неъматович**
«Ishonch» газетаси бўлим муҳаррири

**Кадышева Оксана Игоревна**
«Ishonch-Доверие» газетаси мухбири

### «Энг яхши қурилиш ташкилоти»

«Чинобод қурилиш» хусусий корхонаси.
Директор –
**Машарипов Отахон Каримберганович**

### «Энг яхши қурувчи»

**Джумаков Хусан Мансурович**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Капитал қурилиш бошқармаси техник назорат бўйича муҳандиси

### «Энг яхши лойиҳачи»

**Ирматов Абдувохид Мурадович**
«Касаба лойиҳа» масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси

### «Энг яхши мактаб директори»

**Салимова Мукаррам Маматхоновна**
Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 97-мактаб директори

### «Энг яхши жамоа шартномаси» танлови ғолиблари

**«Термиз дарё порти» масъулияти чекланган жамиятининг жамоа шартномаси.**
Касаба уюшма қўмитаси раиси – Калимулина Эльмира Рахимовна

**«Самарқанд автомобиль заводи» масъулияти чекланган жамиятининг жамоа шартномаси.**
Қўшма корхона касаба уюшма қўмитаси раиси – Хамдамов Шухрат Хамрокулович

**«Maxam-Chirchiq» акциядорлик жамиятининг жамоа шартномаси.**
Касаба уюшма қўмитаси раиси – Абдуллаев Бахтиёр Мухамедович

## БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИ БЎЙИЧА

### «Болаларни соғломлаштириш мавсумида фаол иштирок этган ташкилот»

- Ички ишлар вазирлиги
- Миллий гвардия
- Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги
- Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги
- Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги

### «Болаларни соғломлаштириш мавсумида энг фаол иштирок этган ҳудудий касаба уюшмаси»

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши.**
Раис –
Жалменов Улуғбек Абилаевич

### «Болаларни соғломлаштириш мавсумида энг фаол иштирок этган тармоқ касаба уюшмаси»

**Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши.**
Раис –
Қурбанов Шухрат Тўраевич

### «Энг яхши оромгоҳ раҳбари»

**Муминов Улмас Ниғматилла ўғли**
«Анор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари

### «Энг намунали оромгоҳ»

**«Сўх» болалар соғломлаштириш оромгоҳи.**
Директор –
Эркаев Тавакалжон Додобоевич

## «Эҳтиром» нишони совриндорлари

**Эгамбердиев Шерзод Азадович**
«Урганч халқаро аэропорти» МЧЖ 1-тоифали парвозлар хавфсизлиги нозири, Касаба уюшма қўмитаси раиси

**Хамдамов Шухрат Хамракулович**
«Самарқанд автомобиль заводи» МЧЖ корхонаси маъмурий-хўжалик бўлими транспорт гуруҳи раҳбари, Касаба уюшма қўмитаси раиси

**Гапуров Юнус Юсупович**
Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси

**Алламуратова Нуржамал Бердибековна**
Нукус шаҳар 6-сон умумтаълим мактабининг рус тили ва адабиёти, тарбия фанлари ўқитувчиси

**Тошпулатова Гулноза Шукуриллаевна**
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси

**Худжамкулова Нодира Босимовна**
Зомин тумани йўллардан фойдаланиш корхонасида 1-тоифали кадрлар бўйича инспектор, Касаба уюшма қўмитаси раиси

**Саидов Жахангир Набиевич**
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент тумани кенгаши раиси

**Даминов Ғуломжон Буриевич**
Термиз «Минтақавий темир йўл узели» касаба уюшма ҳудудий қўмитаси раиси

**Рахматов Алишер Ахрорович**
Навоий вилояти кенгаши аппаратининг меҳнат ҳуқуқ инспектори

**Абдувалиев Рустам Анварович**
«Ўзтемирйўловчи» АЖ Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

**Атабоев Козим Арифович**
Қашқадарё вилояти Кенгаши аппаратининг ташкилий ишлар бўлими мудири

**Щетинин Александр Алексеевич**
«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ технологик транспорт бошқармаси №1 транспорт цехи БелАЗ ҳайдовчиси

**Заирова Раиля Сафоевна**
Сирдарё вилояти Кенгаши аппаратининг молия бўлими мутахассиси

**Умарахунов Иркин Мирзахидович**
«Малака ошириш институти» нодавлат таълим муассасаси ректори

**Мадреимов Рахман Полатович**
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон Кенгаши раиси

**Маматов Азиз Шокирович**
Даволаш-профилактика маркази бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича муовини

**Жўраева Ортиғой Мухторовна**
Шаҳрихон тумани Ободонлаштириш бошқармаси супурувчилар бригадири

**Хидиров Тўлқин Узақович**
«Касаба сайр» шуъба корхонаси директори

**Каримов Баходир Исмойилович**
«Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ Касаба уюшма қўмитаси раиси

**Маматкулов Хабибулла Ахмедович**
Капитал қурилиш бошқармаси бош ҳисобчиси

**Ахмедов Убайдулла Хусанович**
«Farg'onaazot» акциядорлик жамиятининг жиҳозларни марказлаштирилган таъмирлаш цехи чилангар-таъмирловчиси

**Хамзаев Жўрабек Абдикулович**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг Молия бўлими мудири

**Низамбаев Расулжон Лутпиллаевич**
«Океан» сув спорти саройи» ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт муассасаси директори

**Шукуров Мехриддин Эшқобилович**
«Ishonch» газетаси масъул котиби

Тадбир





# ШУКУҲГА ТЎЛА

**Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги «Биринчи резинотехника заводи» МЧЖ ХКда Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан байрам тадбири ташкил этилди.**

Дастлаб тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Нигора Алимжонова, завод бош директори Ғуломжон Ибрагимов ва бошқа масъуллар завод цехлари ва бўлимларида ходимлар билан суҳбатлашиб, уларни байрам билан қутлашди. Меҳнатда бошқаларга ўрнак бўлаётган ходимларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширишди. Шундан сўнг корхона ҳудудидаги «TEXTILE BRZ» МЧЖ тикув цехида ишлаётган хотин-қизлар билан суҳбат уюштиришди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, «TEXTILE BRZ» МЧЖ тикув цехи 2021 йилда Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва Биринчи резинотехника заводи ҳамкорлигида Ангрен шаҳридаги «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган кам таъминланган хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

Учрашув давомида «TEXTILE BRZ» МЧЖ ХК корхонасининг бир қатор фаол ходимлари фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Концерт дастури тадбирга янада кўтаринки кайфият бахш этди.

**Шавкат ТОИРОВ,**
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

# МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

**«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти тасарруфидаги «Қуюв-механика заводи» шўъба корхонасида ҳам байрам кенг нишонланди.**

Тантанали тадбирда сўзга чиққанлар меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иш жойларида муносиб меҳнат шароити яратиш борасида олиб борилаётган ишларни алоҳида эътироф этишди.

Мазкур корхона касаба уюшма қўмитаси 1 400 нафардан ортиқ аъзони ўзида бирлаштирган бўлиб, жамоа шартномасида белгиланган барча талабларнинг бажарилишига жиддий ёндашади. Корхонада меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилган. Йигирма саккиз нафар меҳнат муҳофазаси вакили ишлаб чиқариш участкалари ва цехларда доимий равишда меҳнат шароитлари ва уни муҳофаза қилиш ҳолатлари назоратини таъминлаб, аниқланган камчиликларни жойида ҳал этиб келмоқда.

– Асосий мақсадимиз аъзоларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, – дейди Қуюв-механика заводи касаба уюшма қўмитаси раиси Учқун Қаҳҳоров. – Ишчи-ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқи поймол этилмаётгани, фаолиятидан кўнгли тўқлиги боис ишлаб чиқаришда ўсиш суръатлари ошиб бормоқда.

Байрам муносабати билан корхонада узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган фидойи ходимларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Тантанали тадбир санъаткорларнинг концерт дастурларига уланиб кетди.

**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ**
«ISHONCH»



Саёҳат

# ТАЪТИЛ ТААССУРОТЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

**«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси касаба уюшма қўмитаси томонидан ходимлар фарзандларининг кузги таътил кунларига мазмун бағишлаш истагида болалар учун пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирилди.**



50 нафардан зиёд болажонлар иштирок этган саёҳат UZTELECOM янги биносининг 1-қаватида жойлашган Koworking маркази билан яқиндан танишишдан бошланди. Улар бу ерда мамлакатимизда ҳам тобора ривожланиб бораётган киберспорт учун яратилган имкониятлар, энг замонавий компьютерлар ва энг сўнгги виртуал ишланмалар ҳақида маълумот олишди.

Шундан сўнг болалар Тошкент марказидаги Романовлар уй-музейи, улуғвор меъморий ёдгорлик Ҳазрати имом мажмуаси, Политехника, Қатағон қурбонлари хотираси ва Алоқа музейларида бўлишди.

Тадбир доирасида байрамона тушлик ҳам ташкил қилинди.

Саёҳат таассуротларга бой бўлди.

**«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Ахборот хизмати**

Ҳафталик

# ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР ФОРУМИ

**«Тадбиркор аёл» халқаро ишбилармон аёллар ассоциацияси анъанавий аёллар тадбиркорлиги ҳафталигини ўтказди.**

6-10 ноябрь кунлари мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган тадбирларда 300 нафардан ортиқ аёл иштирок этди. Ушбу конференцияларда молиявий мустақиллик ва аёлларнинг иқтисодиётдаги иштироки, глобал индекс талабларига мувофиқ Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини юритиш тизимини яратиш, аёллар тадбиркорлиги масалалари муҳокамаси, унинг муаммоли қирралари ва тараққиёти, Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ошириш имкониятлари масалалари атрофлича муҳокама этилди.

«Аёллар тадбиркорлиги ҳафталиги – 2023» кундалиги доирасида ёш ишбилармон аёллар учун маҳорат дарслари, семинарлар, учрашув ва давра суҳбатлари, етук тадбиркорларнинг саноат маҳсулотлари кўргазмаси, ассоциация аъзолари ўртасида велоспорт мусобақалари ташкил этилди.

– Мазкур анжуман Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш, унинг заиф томонларини аниқлаш, тўсиқларни аниқлаш ва қишлоқ ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тавсия чораларини ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилди, – дейди «Тадбиркор аёл» халқаро ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси Гулнора Маҳмудова. – Тадбирлар давомида хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро дастурлар тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Офлайн ва онлайн шаклида форумда тадбиркор аёллар ўзаро тажриба алмашишди, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, мамлакатимиз тадбиркор аёллари учун туризм соҳасида хизматлар сифатини ошириш бўйича навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

**Комила БОЙМУРОДОВА**
«ISHONCH»

Эътироф

*Тошкент шаҳри*

# МИННАТДОРЛИК ТУЙҒУЛАРИ

**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сергели тумани кенгаши тизимдаги ташкилотларнинг фаол ва фидойи ходимларига эҳтиром кўрсатди.**



Тумандаги 7-умумтаълим мактабида Касаба уюшмалари куни муносабати билан ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар устоз ва мураббийларга нисбатан кўнгилларида ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшашларини эътироф этишди.

– Касаба уюшмалари устоз ва мураббийлар манфаатларига доим эътибор қаратиб келади, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сергели тумани кенгаши раиси Феруза Ражабова.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг 9 ойи давомида рейтингда биринчи бешталикка кирган мактаб педагоглари, давлат мукофоти билан тақдирланган ўқитувчилар соғлиқларини тиклаш мақсадида 7 нафар ходими, шунингдек, ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан таълим муассасаларида хизмат қилаётган ходимларнинг 115 нафари соғломлаштирилди. Ўқитувчи-мураббийлар ҳамда уларнинг ота-онаси ва яқин қариндошларининг соғлиқларини тиклаш ҳамда уларни дам олдириш мақсадида касаба уюшма бюджети маблағлари ҳисобидан 14 та йўлланма олиб берилди.

Педагог ходимларнинг фарзандларини соғломлаштириш учун болалар дам олиш оромгоҳларига 34 та йўлланма берилди. Уларни маданий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида турли тадбирлар ташкил этиб келинади. Бу галги анжуман ҳам шулардан биридир.

– 8 йилдан бери касаба уюшма қўмитаси раиси сифатида ҳам иш олиб бораман, – дейди Сергели туманидаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси Гавҳар Арипова. – Педагогларни қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишлар қилиняпти. Ўйлайманки, ходимларнинг меҳнатларига яраша берилаётган рағбат, эътибор уларни янада катта марралар сари ундайди.

**Гулрухбегим ОДАШБОЕВА**
«ISHONCH»

*Эъзоза УМРЗОҚОВА олган сурат*

Эҳтиром



# ФАОЛЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

**«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси касаба уюшма қўмитаси томонидан ишчи-ходимларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга муносиб меҳнат шароитини яратиб бериш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда.**

Албатта, уларнинг ишлари ҳам эътибордан четда эмас. 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан компаниянинг касаба уюшма қўмитаси фаолиятига кўп йиллар мобайнида ўзининг фидокорона меҳнати билан ҳиссасини қўшиб келаётган бир гуруҳ фаолларга ташаккурнома топшириш маросими бўлиб ўтди.

Унда «Ўзбектелеком» АК Фахрийлар кенгаши раиси Ғолибшер Зияев иштирок этиб, мазкур йўналишдаги фидойилиги учун фаолларга алоҳида миннатдорлик билдирди.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунга қадар ташкилот касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан тизимда узоқ йиллар ишлаб, пенсияга чиққанлар, ёлғиз қариялар, ногиронлиги бўлган шахслар ва меҳнат фахрийлари ҳар томонлама эъзозланиб, кўмакка муҳтожларга беғараз ёрдам кўрсатилмоқда.

Шунингдек, соҳа ходимлари учун доимий тарзда маданий-маърифий тадбирлар, кўнгилочар масканларга ташрифлар, республиканинг тарихий шаҳарларига саёҳатлар, спорт-соғломлаштириш тадбирлари ва турли йўналишдаги кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда. Буларнинг барчаси ташкилот ишчи-ходимларининг ишчанлик кайфияти кўтарилиши, ўз навбатида, иш унумдорлиги ошишига муносиб улуш бўлиб қўшилаётир.

**Диёра РАВШАНОВА**
«ISHONCH»

**Эълонлар**

2002 йил 16 декабрда вафот этган, вафотига қадар Янгийўл шаҳар, «Мустақиллик» МФЙ, А.Ортиқов кўчаси, 19-уй, 62-хонадонда яшаган Хасанбаев Нишанбайнинг мол-мулкига мерос иши очилганлиги маълум қилинади. Меросхўрлар Янгийўл шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи Ш.Миролимовнинг идорасига мурожаат қилишлари сўралади. Манзил: Янгийўл шаҳар, Тошкент шоҳкўчаси, 52-уй ёнида жойлашган нотариал идора.

***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.08.2006 йилдаги ПҚ-458-сонли қарори асосида 2016 йил 13 майда ўтказилган очиқ аукцион савдоси ғолиблик БАЁННОМАСИ № 057 нусхаси йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинган ҳисобланади.

***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.08.2006 йилдаги ПҚ-458-сонли қарори асосида 2016 йил 13 майда ўтказилган очиқ аукцион савдоси ғолиблик БАЁННОМАСИ № 056 нусхаси йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинган ҳисобланади.

***

Тошкент шаҳридаги «ART STYLE BUSINESS» MCHJга тегишли (СТИР: 304358659) думалоқ муҳр йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши жамоаси Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгашининг собиқ раиси
**Аминжон ГАФАРОВ**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

**МУАССИС:**
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

**«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:**

**Qudratilla RAFIQOV** *(tahrir hay’ati raisi),*
**Ulug‘bek JALMENOV,**
**Anvar ABDUMUXTOROV,**
**Sayfullo AHMEDOV,**
**Akmal SAIDOV,**
**Ravshan BEDILOV,**
**Qutlimurot SOBIROV,**
**Suhrob RAFIQOV,**
**Shoqosim SHOISLOMOV,**
**Hamidulla PIRIMQULOV,**
**Nodira G‘OYIBNAZAROVA,**
**Anvar QULMURODOV** *(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),*
**Mehriddin SHUKUROV** *(Mas’ul kotib – «Ishonch»),*
**Valentina MARSENYAK** *(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

**Bosh muharrir**
Husan ERMATOV

**Bo‘limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog‘iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-99) 889-98-02
**Navoiy viloyati –** (+998-99) 889-90-28
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg‘ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** A.Haydarov

**Musahhihlar:** G’. Mirahmedov, D. Ravshanova

**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –** 00:10
**Topshirildi –** 00:30

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

**Tahririyat hisobraqami:**
2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.
**Buyurtma 610**
Nashr ko‘rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 30348**

**16331** nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

**Korxona manzili:**
Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uy.